



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 28 » dekabr

№ 900

Toshkent sh.

Касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг **2025 йил 1 январдан бошлаб** касбий таълим ташкилотларида ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида **ишлаб чиқариш амалиётининг** куйидагиларни назарда тутувчи **янги тартибини жорий этиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

Ўқувчилар учун ишлаб чиқариш амалиёти ва диплом олди амалиёти ўрнига ягона ишлаб чиқариш амалиёти тизимини жорий этиш;

ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдиган ўқувчиларга тегишли ташкилотлардаги малакали мутахассисларни “устоз” сифатида бириктириш;

ўқувчиларнинг амалиёт жараёнида эгалланган амалий кўнималарини иш берувчилар билан биргаликда баҳолаш тизимини йўлга қўйиш.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

амалиёт дастурларини тегишли тармоқ ва соҳа корхоналари (ташкилотлари) билан келишилган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

амалиётни тегишли тармоқ ва соҳа корхоналарида (ташкилотларида) ташкил этиш;

касбий таълим ташкилотлари ва иш берувчиларнинг амалиётларни ташкил этиш бўйича вазифаларини белгилаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

2025 йил 1 январдан бошлаб касбий таълим ташкилотларида ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини тегишли тармоқ ва соҳа корхоналарида (ташкилотларида) ташкил этсин;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргалиқда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга корхоналардан (ташкилотлардан) тажрибали мутахассислар “устоз” сифатида бириктирилишини таъминласин;

корхоналардан (ташкилотлардан) бириктирилган “устоз”лар учун ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Профессионал таълимни ривожлантириш институтида **“Германия тажрибаси”** асосида масофавий (онлайн) ўқув курсларини ташкил этсин;

ҳар йили 1 октябрга қадар “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилган корхона (ташкилот)лар билан касбий таълим ташкилотлари ўқувчилари ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ юзасидан шартномалар тузиш мақсадида ҳамкорликни йўлга кўйсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари худуддаги корхоналарнинг (ташкилотларнинг) мавжуд имкониятлари ва таклифлари асосида доимий равишда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш юзасидан шартномалар тузишда касбий таълим ташкилотларига қўмаклашсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “28” декабрдаги 900-сон қарорига
1-илова

**Касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш
амалиётини ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларининг (кейинги ўринларда – ўқувчилар) корхонада (ташкилотда) ишлаб чиқариш амалиётини (кейинги ўринларда – амалиёт) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

амалиёт – назарий таълим бериш жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, эгалланадиган касбга (мутахассисликка) тегишли бўлган касбий билим ва кўникма эга бўлиши учун ўқув жараёнининг амалий қисмини корхоналарда (ташкилотларда) ўтказиш жараёни;

амалиёт раҳбари – ўқувчиларнинг амалиётини ташкил этиш, уларни корхоналарга (ташкилотларга) амалиёт учун жойлашиши, амалиёт дастурига риоя этилиши, амалиёт ҳисботлари тайёрланиши ва юритилиши, корхонадан (ташкилотдан) ўқувчилар учун масъул ходим бириктирилиши каби масалаларни мувоғиқлаштирувчи касбий таълим ташкилоти ходими;

корхона (ташкилот) – касбий таълим ташкилоти билан ўқувчилар амалиётини ташкил этиш бўйича шартнома тузган юридик шахс;

устоз – амалиёт даврида таълим жараёнини ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмини ўтказиш учун корхона (ташкилот) томонидан бириктирилган корхонанинг (ташкилотнинг) малакали мутахассиси;

шартнома – касбий таълим ташкилоти ва корхона (ташкилот) ўртасида ўқувчиларнинг амалиётини ташкил этиш учун тузилган ҳужжат.

3. Назарий таълим бериш жараёнида ўқувчилар томонидан олинган билимларни мустаҳкамлаш, эгалланадиган касб (мутахассислик) бўйича зарур кўникмаларга ва амалий иш тажрибасига эга бўлиш амалиётнинг мақсади ҳисобланади.

4. Касбий таълим ташкилотлари томонидан амалиёт дастурлари тегишли корхоналар (ташкилотлар) билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

5. Амалиёт касбий таълим ташкилоти ва ўқувчилар таълим олаётган касбга (мутахассисликка) мос корхоналар (ташкилотлар) ўртасида тузиладиган шартнома асосида ташкил этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги белгиланган тартибда шартнома шакли ҳамда ўқувчиларнинг амалиёт кундалиги намунасини тасдиқлади.

7. Касбий таълим ташкилотларининг ишлаб чиқариш амалиёти ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида ташкил этилади.

2-боб. Амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш

8. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳар йили 1 октябрга қадар “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилган корхоналар (ташкилотлар) билан касбий таълим ташкилотлари ўқувчилари ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ юзасидан шартномалар тузиш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўяди.

9. Касбий таълим ташкилоти ва корхона (ташкилот) ўртасида амалиётни ўтказиш бўйича шартнома амалиёт бошланишидан камида уч ҳафта олдин расмийлаштирилади.

10. Амалиётни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларга касбий таълим ташкилоти директори масъул ва шахсий жавобгар ҳисобланади.

11. Касбий таълим ташкилоти директорининг амалиётни ташкил этиш бўйича буйруғи амалиёт бошланишидан камида икки ҳафта олдин қабул қилинади.

Ушбу буйруқда ўқувчиларнинг рўйхати ва амалиёт ўтказиладиган корхона (ташкилот) ҳамда касбий таълим ташкилоти томонидан бириктирилган амалиёт раҳбарлари белгиланади.

12. Касбий таълим ташкилоти амалиёт ўтказиладиган корхона (ташкилот) билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

13. Амалиётнинг дастлабки кунида касбий таълим ташкилотидан амалиёт раҳбари ва корхонадан (ташкилотдан) бириктирилган устоз томонидан ўқувчиларга:

корхонанинг (ташкилотнинг) меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлиги ҳамда ички меҳнат тартиб қоидалари;

амалиёт даврида бажариладиган ишлар, уларни амалиёт кундалигига қайд этиб бориш тартиби, корхона (ташкилот)нинг фаолият йўналишлари тушунтирилади.

14. Касбнинг (мутахассисликнинг) мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, амалиёт ўташнинг ҳафталик юклamasи 36-40 академик соатни ташкил этади.

15. Узрсиз сабабларга кўра амалиёт ўтамаган ёки амалиёт даврида қониқарсиз баҳо олган ўқувчилар якуний давлат аттестациясига қўйилмайди.

16. Касбий таълим ташкилотининг сиртқи таълим шаклида таълим олаётган ўқувчи ўз касби (мутахассислиги) бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланган тақдирда, амалиётдан озод қилинади. Бунда ўқувчи касбий таълим ташкилотига иш жойидан маълумотнома ва касбий фаолиятини акс эттирувчи тавсифнома тақдим этади.

Иш жойига эга бўлмаган сиртқи таълим шаклида таълим олаётган ўқувчи амалиёт ўтайди.

17. Ўқувчиларнинг амалиёт дастурлари бажарилишига корхонадан (ташкилотдан) устоз, касбий таълим ташкилотидан амалиёт раҳбари масъул ҳисобланади.

18. Ногиронлиги бўлган ўқувчиларнинг амалиётлари мос меҳнат шароитларига эга корхоналарда (ташкилотларда) ташкил этилади.

19. Ўқув режасидаги фанлар бўйича қарздорликка эга бўлган ўқувчилар қарздорликни ўқув йили якунига қадар бартараф этиш шарти билан амалиётга жалб этилади.

20. Куйидаги ҳолларда ўқувчилар амалиётдан четлаштирилади:

узрсиз сабабларга кўра 24 академик соатдан ортиқ амалиёт жараёнларида иштирок этмагандা;

амалиёт ўтайдиган корхонанинг (ташкилотнинг) ички тартиб қоидаларини бузган ҳолларда;

ўқувчига саломатлигини тиклаш бўйича доимий тиббий назоратда турган тиббиёт муассасаси комиссиясининг хулосаси мавжуд бўлмаганда.

21. Амалиётдан четлаштирилган ёки амалиётни ўташ жараённида бажарган ишларининг натижалари қониқарсиз деб топилган ва фанлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган ўқувчиларга янги ўқув йили бошлангунга қадар қайтадан амалиётни ўташ имконияти берилади.

Бунда касбий таълим ташкилоти директорининг ўқувчини қайта амалиётга юбориш ҳақида буйруғи қабул қилинади ҳамда унга амалиёт раҳбари сифатида директор ўринбосари бириклирилади.

22. Ўқувчилар амалиёт ўтаётган корхонада (ташкилотда) бўш иш ўринлари мавжуд бўлса, корхона (ташкилот) ва ўқувчи ўртасида қўшимча шартнома тузилиши ва ўқувчига иш ҳақи тўланиши мумкин.

З-боб. Корхона (ташкилот), касбий таълим ташкилоти ва ўқувчиларнинг вазифалари, хуқуқлари ҳамда мажбуриятлари

23. Корхона (ташкилот) амалиётни ўтказиш даврида:

касбий таълим ташкилоти билан ҳамкорликда амалиётни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини белгилайди;

касбий таълим ташкилоти билан биргаликда ўқувчилар амалиётини ўтказиш бўйича тегишли шартномаларни расмийлаштиради;

корхонага (ташкилотга) амалиёт ўташ учун қабул қилинаётган ўқувчилар таркибини касбий таълим ташкилоти билан келишади;

ўқувчиларга амалиёт жараёнларида корхонанинг (ташкилотнинг) малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан амалиётчи билан ишлаш кўнимасига эга бўлган устоз бириклини расмийлаштиради;

ўқувчиларни амалиёт даврида корхонада (ташкилотда) фаолият юритиши учун корхона (ташкилот) раҳбарининг буйругини расмийлаштиради;

ўқувчиларга меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича зарур кўрсатма ва тушунчалар беради;

ички имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда, ўқувчиларнинг корхонага (ташкилотга) бориш-келиш, овқатланиш харажатларини қоплади;

ўқувчиларнинг амалиётини ўтказиш режаларида назарда тутилган эккурсияларни ташкил этади;

ўқувчининг амалий кўнималарини баҳолаш жараёнида қатнашади.

24. Корхона (ташкилот) амалиётни ташкил этишда қуидаги ҳукуқларга эга:

ўқувчиларнинг амалиётни ўташ вақтида корхонанинг (ташкилотнинг) ички меҳнат тартиб қоидаларига амал қилиши юзасидан огоҳлантириш;

корхонанинг (ташкилотнинг) ички меҳнат интизомини бузган ўқувчилар ҳақида амалиёт раҳбарини хабардор қилиш;

амалиёт жараёнларини сифатли ташкил этиш бўйича касбий таълим ташкилотларига таклифлар бериш;

бир нечта касбий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш.

Корхона (ташкилот) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Корхона (ташкилот) ўқувчиларнинг амалиёти даврида қуидаги мажбуриятларни олади:

ўқувчиларни ишлаб чиқариш бинолари, тренинг кабинетлари, зарур материаллар, асбоб-ускуналар, техник ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлаш;

ўқувчиларни корхонанинг (ташкилотнинг) ички тартиб-қоидалари, тиббий (санитария), ёнгин хавфсизлиги қоидалари ҳамда бошқа талаблар билан танишириш;

ўқувчиларни амалиёт даврида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва тегишли маҳсус кийим-кечак (маҳсус кийим) ҳамда ишлаб чиқариш воситалари ва хомашё билан таъминлаш;

ўқувчилар кундалиги юритилишини назорат қилиш;

касбий таълим ташкилоти билан биргаликда амалиёт жараёнлари якуни бўйича ҳисботларни тайёрлаш;

ўқувчилар амалиётни ўташ даврида амалиёт ўташ жойида баҳтсиз ҳодисага учраган ҳолатлар бўйича жавобгарлик масалаларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилиш чораларини кўриш.

Корхонага (ташкилотга) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

26. Касбий таълим ташкилоти амалиётни ўтказиш даврида:

корхона (ташкилот) билан биргаликда ўқувчиларни уч ҳафта олдин амалиётни ўтказиш бўйича тегишли шартномаларни расмийлаштиради;

корхона (ташкилот) билан амалиёт жараёнида иштирок этадиган ўқувчиларнинг рўйхатини тасдиқлади;

ўқувчиларни амалиёт ўташ учун корхонага (ташкилотга) юбориш ва уларга амалиёт раҳбарини бириктириш бўйича буйруқ қабул қиласи;

ўқувчилар амалиётга юборилишидан олдин уларга меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари тўғрисида тушунтириш беради;

амалиёт раҳбарлари томонидан амалиёт жараёнларининг ташкил этилганлик ҳолати юзасидан тизимли назорат ўрнатади.

27. Касбий таълим ташкилоти амалиётни ўтказиш бўйича куйидаги хуқуқларга эга:

амалиёт жараёнларини сифатли ташкил этиш юзасидан корхонага (ташкилотга) таклифлар бериш;

амалиёт жараёнини ўтказиш учун тузилган шартномаларга томонлар билан келишган ҳолда ўзгартиришлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз номидан юридик шахслар билан ваколати доирасида ўқувчилар амалиётини ўтказиш бўйича шартномалар ва бошқа ҳужжатлар тузиш.

Касбий таълим ташкилоти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28. Касбий таълим ташкилоти амалиёт даври учун куйидаги мажбуриятларни олади:

ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, жиҳозлари, мосламалари ва бошқа меҳнат анжомларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини тушунтириш;

хомашё материаллари ва электр энергиясининг тежамли сарфланишини таъминлаш;

корхонанинг (ташкилотнинг) маъмурий ва ишлаб чиқариш ҳодими кўрсатмалари ва фармойишларини бажариш;

ўқувчилар ва амалиёт раҳбарлари фаолиятини ҳамда ўқувчилар кундалиги юритилишини тизимли назорат қилиш.

Касбий таълим ташкилотига қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

29. Ўқувчилар амалиётни ўташ даврида:

амалиёт жараёнини бошлашдан олдин корхонанинг (ташкилотнинг) меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари йўриқномаси билан танишади;

корхонанинг (ташкилотнинг) ички тартиб қоидаларига бўйсунади;

корхонанинг (ташкилотнинг) уставига мувофиқ иш жараёнларида белгиланган тартибда қатнашади.

30. Ўқувчилар амалиётни ўташ бўйича қуидаги ҳукуқларга эга:

амалиётда қатнашиш;

амалиётни ўташ жойи, режа-жадвали, дастури ва тартиби билан олдиндан танишиш;

корхонадаги (ташкилотдаги) меҳнат ва жамоат ишларида қатнашиш;

корхона (ташкилот) ва касбий таълим ташкилотига амалиётни ўтказиш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда тегишли таклифларини билдириш;

ўқувчилар амалиёт ўташ учун ўз касби (мутахассислиги) бўйича бошқа ихтиёрий корхонани (ташкилотни) танлаш ҳукуқига эга бўлиб, ушбу Низомда белгиланган амалиётни ташкил этиш билан боғлиқ барча жараёнларни бажариш.

Ўқувчилар қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

31. Ўқувчилар амалиётни ўташ даврида қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

амалиёт дастурида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариш;

амалиёт кундалигини ҳар куни юритиш;

амалиёт раҳбари ва устоз томонидан берилган топшириқларни бажариш;

корхонанинг (ташкилотнинг) ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилиш;

касаллиги туфайли амалиётга қатнаша олмаган тақдирда, тиббий муассасадан уч иш куни ичидаги маълумотнома тақдим этиш;

амалиёт якуни бўйича ҳисбот топшириш.

4-боб. Амалиётни якунлаш

32. Корхонада (ташкилотда) амалиётни ўташда ўқувчилар томонидан амалиёт кундалиги юритилади.

Кундалик касбий таълим ташкилоти томонидан тасдиқланган ҳолда берилади ва ўқувчи амалиёт ўташ даврида кундалика амалиёт дастури асосида кунлик бажарган ишлари ва мустақил иш топшириғи бажарилиши тўғрисида қисқача маълумотларни ёзиб боради.

33. Ўқувчилар амалиёт якунода амалиёт кундалигини корхонадан (ташкилотдан) бириттирилган устозга имзолатиб, уч иш кунода амалиёт раҳбарига топширади.

34. Амалиёт якунода амалиётни тўлиқ ўтаган ўқувчиларга корхона (ташкилот) томонидан амалиёт ўтаганлиги тўғрисида тавсифнома берилади.

35. Ўқувчилар томонидан амалиётни ўташ жараёнида бажарилган ишларнинг натижалари ва уларнинг эгаллаган амалий кўникмалари касбий таълим ташкилотининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари ҳамда иш берувчиларнинг вакиллари раҳбарлигига 3-5 нафар аъзолардан иборат (ҳар бир гурӯҳ учун) алоҳида ишчи гурӯҳ томонидан баҳоланади.

36. Ўқувчиларнинг амалиёт кундаликлари ва ҳисоботлари амалиёт раҳбари томонидан касбий таълим ташкилотининг архивига топширилади. Амалиёт кундаликлари ва ҳисоботлар уч йил муддатгача касбий таълим ташкилотининг архивида сакланади.

5-боб. Якунловчи қоида

37. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Касбий таълим ташкилотлари
ўқувчиларининг ишлаб чиқариш
амалиётини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
илова

Касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш тартиби **СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-bosqich	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига кирилган корхоналар (ташкилотлар) билан касбий таълим ташкилотлари ўқувчилари ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ юзасидан шартномалар тузиш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўяди.	Хар йили 1 октябрга кадар
2-bosqich	Касбий таълим ташкилоти	<ol style="list-style-type: none"> 1. Амалиётни ташкил этиши бўйича корхона (ташкилот) билан шартнома тузади. 2. Амалиётни ўтказиш ва амалиёт раҳбарини биринчириш бўйича бўйруқ кабул килади. 3. Ўқувчиларни амалиёт кундалиги билан таъминлайди ва амалиёт жараёнларини мониторинг килади. 	<p>Амалиёт бошланишидан камида уч хафта олдин</p> <p>Амалиёт бошланишидан камида икки хафта олдин</p> <p>Белгиланган муддатларда</p>
3-bosqich	Корхона (ташкилот)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Малакали мутахассисларни ўқувчиларга “устоз” сифатида биринчириди. 2. Ўқувчиларни корхонанинг (ташкилотнинг) меҳнатни муҳофаза қилиш ва ички меҳнат тартиби билан танишириди ҳамда зарур асбоб-ускуналар ва маҳсус кийим-кечак билан таъминлайди. 	<p>Амалиёт бошланишидан икки хафта олдин</p> <p>Амалиётнинг дастлабки кунида</p>
4-bosqich	Ўқувчи	<ol style="list-style-type: none"> 1. Корхонада (ташкилотда) амалиёт ўтайди ҳамда амалиёт кундалигини тўлдириб боради. 2. Амалиёт якуни бўйича ҳисобот ва амалиёт кундалигини амалиёт раҳбарига топширади. 	<p>Белгиланган муддатларда</p> <p>Амалиёт якунидан сўнг уч иш кунида</p>
5-bosqich	Корхона (ташкилот)	Ўқувчи амалиёт жараёнларида тўлиқ катнашган тақдирда, тавсифнома беради.	Амалиёт якунида
6-bosqich	Касбий таълим ташкилоти, корхона (ташкилот)	Ўқувчилар томонидан амалиётни ўташ даврида бажарилган ишларнинг натижалари ва уларнинг эгаллаган амалий қўнималарини баҳолайди.	Амалиёт якунида

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “28”декабрдаги 900-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айrim қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Касб-хунар коллежлари ўкувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида” 2009 йил 11 февралдаги 40-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сон Фармони)” 2021 йил 23 июлдаги 450-сон қарорига илованинг 1-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 209-банди.

